



# РУХСАТ БЕРИШ ЖАРАЁНИ ЭЛЕКТРОНЛАШТИРИЛДИ



Манба: ВМҚ–86-сон, 22.02.2022 й.

@huquqiyaxborot



Рухсатнома олиш учун ариза бериш, кўриб чиқиш, қайта расмийлаштириш, амал қилиш муддатини узайтириш, амал қилишини тўхтатиб туриш, уларни ўзгартириш, бекор қилиш ва тугатишнинг **ягона тартиби белгиланди**



Қарор билан **27 та** рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларнинг паспортлари тасдиқланди



Эндиликда барча аризалар **электрон тарзда** “Лицензия” ахборот тизими (*license.gov.uz*) орқали **дам олиш ва байрам кунларидан қатъи назар, ҳар куни 24 соат давомида** қабул қилинади



Бу билан фуқароларнинг давлат органларига “бориш” ва “кутиш” каби ортиқча оворагарчиликларга чек қўйилди



Рухсатномани олиш учун ариза ваколатли органга **“Лицензия” АТ** ёки **ЯИДХП** орқали тақдим этилади

**Рухсат этиш хусусиятига эга** ҳужжатни бериш ёки беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорнинг шахсий кабинетига юборилади

Рухсатнома бериш ҳақидаги ариза **биринчи марта** кўриш жараёнида рухсат берилиши учун зарур ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда ушбу аризани кўриб чиқиш рад қилинмасдан камчиликларни бартараф этиш учун талабгорга муддат берилиши белгиланди

Мазкур қарор **2022 йил 1 мартдан** кучга киради.